Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 53 (3554)
4 — ШАНБА
4 МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОЮЗ-28», «САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-27»: ТУТАШТИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 3 март. (ТАСС). «Союз-28» космик кемаси Москва вақти билан соат 14 га кадар Ер атрофини ўн уч марта айланиб чиқди. Биринчи радиоалоқа сеансида космонавтлар Алексей Губарев ва Владимир Ремек «Союз-28» кемасини «Салют-6»—«Союз-27» орбитал комплексига яқинлаштириш борасидаги операцияларга тайёрлаш программасини бажаришга киришганликларини маълум қилдилар.

«Союз-28» кемасининг ҳаракат траекторияси тўғрилаб қўйилгандан кейин кема орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан максимал олислиги — 309 километр;
— Ер юзидан минимал олислиги 269 километр;
— айланиш даври 90 минут;
— оғиши 51,6 градус.

«Салют-6» — «Союз-27» космик илмий-тадқиқот комплекси экипажи орбита бўйлаб учаётганлигига ўн икки ҳафта тўлай деб қолди. Бугун космонавтлар Юрий Романенко ва Георгий Гречко станцияни «Союз-28» кемаси билан туташтиришга тайёрламоқдалар.

«Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплексининг ва «Союз-28» космик кемасининг учиши планлаштирилган программага тўлиқ мувофиқ равишда ўтмоқда.

Романенко, Гречко, Губарев ва Ремек ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«СОЮЗ-28» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ПОЛКОВНИК Алексей Александрович ГУБАРЕВ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси Алексей Александрович Губарев 1931 йил 29 мартда Куйбишев область Борский районидаги Гвардейци қишлоғида туғилди.

А. А. Губарев 1950 йилдан бери Совет Қуролли Кучлари сафида, 1952 йилда авиация билим юртини тамомлагач, Харбий Денгиз Флоти авиация қисмларида хизмат қилди.

1957 йилда у Қизил Байроқ орденли Харбий-ҳаво академиясига (ҳозирги Ю. А. Гагарин номли академияга) ўқишга кирди, уни тамомлаб, авиация қисмларидаги хизматни давом эттирди. Авиация полки эскадрильясида командирлик қилди, «Биринчи класс харбий учувчи» малакасини олди.

Алексей Александрович 1957 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

А. А. Губарев совет космонавтлари отрядига 1963 йилда қабул қилинди. У 1975 йилда «Союз-17» кемасининг ва «Салют-4» орбитал илмий станциясининг командири сифатида биринчи бор космосга парвоз қилиб, ўттиз кун учди.

А. А. Губарев «Интеркосмос» бошқариладиган учиш программасига мувофиқ «Союз» кемаларида ва «Салют» орбитал станциясида халқаро экипаж составида тайёргарликдан ўтди.

«СОЮЗ-28» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ капитан Владимир РЕМЕК



Чехословакия Социалистик Республикасининг граждани капитан Владимир Ремек 1948 йил 26 сентябрда Ческе — Будеевице шаҳрида туғилди. У — Чехословакия Халқ Армиясининг ҳарбий учувчисидир.

Владимир Ремек 1966 йилда ўрта умумий таълим мактабини тамомлагандан кейин Кошице шаҳридаги олий авиация билим юртига қабул қилинди. Ўқишнинг иккинчи йилида Чехословакия Коммунистик партияси сафига кирди.

Олий авиация билим юртини тамомлаб чиққан, лейтенант унвонини олган Владимир Ремек авиация қисмига юборилди, бу ерда у иккинчи класс учувчи малакасини олди.

1972 йилда у Совет Иттифоқига Ю. А. Гагарин номидаги Харбий-ҳаво академиясига ўқишга юборилади. Владимир Ремек академияни тамомлаганидан сўнг Чехословакия Халқ Армиясининг авиация қисмида хизматни давом эттиради.

1975 йилда «Ватанга хизмати учун» медали билан мукофотланди.

1976 йилда капитан В. Ремек «Интеркосмос» программасига мувофиқ бошқариладиган космик учишга тайёргарлик кўриш учун номзодликка танлаб олинди. У 1976 йил декабридан бошлаб Ю. А. Гагарин номли Космонавтлар тайёрлаш марказида бошқариладиган «Союз» космик кемаси ва «Салют» орбитал илмий станцияси программасига мувофиқ тўла таълим курсидан ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН Ленин комсомолининг коммунизм идеалларига астойдил содиқ бўлган сергайрат, ташаббускор, принципиал ёшлардан иборат икки миллионли аъзоси бор. Аввалги съездан буён ўтган тўрт йил мобайнида уларнинг ҳаётида кўпдан-кўп унутилмас тарихий воқеалар содир бўлди. Шу давр ичида республика комсомол ташкилоти мустаҳкамланди ва комсомол аъзоларининг сони кўпайди.

Республика комсомоли жанговар отрядининг вакиллари 3 март куни Тошкентдаги А. Навоий номли опера ва балет театрига тўпланишди. Улар Ўзбекистон ЛКСМнинг XXI съездида қатнашиш учун бу ерга келишди.

Съезд иштирокчилари рўйхатга олинаётган столлар теварагида меҳнат зарбдорлари, социалистик мусобақа ташаббускорлари, илғор ишчилар, пахтакорлар, маккажўхорикорлар, чорвадорлар, ирригаторлар, ижодкор зиёлилар, студентлар, ўқувчиларнинг вакиллари бир-бирлари билан учрашдилар. Кўп вакилларнинг кўксида ҳукумат мукофотлари, комсомол шон-шуҳрати нишонлари ярқираб турибди. Бу эса уларнинг меҳнатдаги хизматларини, жонажон партия XXV съездининг тарихий режаларини муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашига ёшларнинг катта ҳисса қўшаётганлигини тасдиқлайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ҳурматли делегат ўртоқлар! Ёш дўстларимиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XXI съезди очилиши билан сизларни қизғин ва самимий табриклайди.

Комсомолимизнинг ҳар бир съезди — республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ва катта воқеадир. Бу галги XXI съезд алоҳида, такрорсиз ахамиятга эгадир, чунки у Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда.

Бизнинг съездимизга республика икки миллион кишилик комсомоллар армиясининг, барча ёшларининггина эмас, шу билан бирга коммунистларнинг, турли авлодларга мансуб кишиларнинг ҳам эътибори каратилган, чунки бизнинг кўпчилигимиз, сизларнинг катта ёшдаги ўртоқларингиз комсомол сафида ҳаёт, кураш ва меҳнат сабоғини олганмиз. Комсомолча ёшлик биз, коммунистларда, барча авлод кишиларида бир умрга ғайрат-шижоат ва умидворлик учқунларини қолдирган.

Хозирги давримизда ҳам миллион-миллион йигит-қизлар ўз тақдирини комсомол билан боғламоқдалар, комсомол уларнинг ажойиб таржимаи ҳоли дебочаси бўлиб қолган. Айни Ленин комсомоли, шонли ёшларимиз улуғ Ватанимизнинг мангу навқиронлигини мужассамлаштириб турибдилар.

Биз, коммунистлар, барча партия ва меҳнат ветеранлари ёшларимиз съездан съездга ўсиб баркамол бўлиб бораётганлигини кўриб ва англаб қувонамиз. Биз сизларнинг серзеҳн, қувноқ, бахтиёр, латофатли чеҳраларингизга боқиб завқ оламиз.

Бу ерда, съездда ана шу ёруғ залда биз шонли ёшларимизнинг, ишлаб чиқариш ёш новаторларининг Омонгелди Исаев, Гулбаҳор Нуриллаева Владимир Железнов Омонгул Илёсова, Любовь Хегай, Нодир Шалабоев, Владимир Гришнев, Мухтарам Эшонқулова, Насиба Мамараҳимова каби кўпдан-кўп энг яхши рекордчи намояндаларини кўриб турибмиз.

Пешқадамларимизга шон ва шарафлар бўлсин! Биз съездимизга келган ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Владимир Андреевич Жителевни, азиз юртдошимиз космонавт Владимир Александрович Жонибековни ҳам табриклаймиз.

ВЛКСМ Марказий Комитети — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда КПСС Марказий Комитетининг мустаҳкам таянчи, ишончли ва обрўли ёрдамчисидир. Биз ВЛКСМ Марказий Комитети республикамиз комсомол ташкилоти фаолиятини яхшилашга нақадар катта ташкил этувчилик таъсири ўтказаётганлигини доимо кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Ўртоқлар! Биз ўз республикамизни ҳақли равишда ёшлар республикаси деб атаймиз. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб турган ҳар уч кишининг бири йигит ва қизлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика комсомол ташкилотининг ролини муносиб равишда юксак баҳолайди, бу баҳо комсомолнинг XXI съездига йўлланган ва бугун мафкуравий-сиёсий ишларимизда эълон қилинган табрикномамизда ифодалаб берилган.

Кекса авлодлардан қабул қилинган эстафета ишончли кўлларда эканлигини англаш қувончлидир. Республикамизнинг барча муваффақиятлари, ҳамма ютуқларини биз ёшларнинг меҳнати билан боғлаймиз.

КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг доимий эътибори ва меҳрибонлиги туфайли Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажармоқдалар. Сиз билан биз қилган ишларнинг якунлари маълум. Бу якунларни Ватан, партия юксак баҳолидилар. Якинда республикага КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Ўзбекистон Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганлиги учун сурункасига беш йилдан бери шу байроққа сазовор бўлмоқда. Бу — ишчилар, колхозчилар, халқ хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашларнинг хизматидир, ўртоқлар. Сизларнинг меҳнатингиз — ёшларнинг меҳнати ҳам бутун халқнинг меҳнатига салмоқ қўшмоқда.

Халқ хўжалигининг 50 минг ёш илғори комсомол съездига беш йилликнинг уч йили планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берганлиги худди шундан яққол далолат бериб турибди. Ёшларнинг бу ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди. Бу ҳаракатни рағбатлантириш ва кенг миқёсда ривожлантириш лозим.

Комсомолларимиз механизатор кадрлар тайёрлашни, маккажўхори етиштиришни оталикка олиб, кўрсатган фойдали ташаббуслари Леонид Ильич Брежневнинг юксак баҳосига сазовор бўлганлигини ўзларингиз биласиз.

Республикамиз комсомолари ва ёшларининг вакиллари Байкал—Амур магистрали қурилишида, покоратуроқ ўлкада ва ўнинчи беш йилликнинг бошқа зарбдор қурилишларида аъло меҳнат қилаётганликлари билан коммунистлар астойдил фахрланадилар. Бу нарса ёшларни янада мақсадли жипслаштириш, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, ишга ва қизларни ҳаёт тажрибаси билан, билимлар билан бойитиш, уларнинг ирода си ва характерини чиниқтириш шубҳасиз.

(Давоми иккинчи бетда).

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

«Галаба» ордени билан мукофотланишим муносабати билан партия ташкилотларидан, коммунистлардан, кўпгина совет кишиларидан ва чет эллардан астойдил, самимий қутловлар изҳор этилган кўплаб хат ва телеграммалар олдим. Бу хат ва телеграммаларга алоҳида-алоҳида жавоб қайтариш имконияти бўлмаганлиги учун шу кунларда менга эзгу тилаклар изҳор этган ҳамма кишиларга «Правда» газетаси орқали сидқидилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Уларнинг хатларида баён этилган фикрлар совет кишилари учун фахрланиш туйғуларини уйғотади. Улар 1945 йилнинг зафарли майини эслаб, партиянинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, планетамизда бузилмас мустаҳкам тинчликни қарор топтириш соҳасидаги муваффақиятли кучғайратлари тўғрисида кизғин манфаатдорлик билан ёзибдилар. Улар социалистик Ватанни ҳар томонлама мустаҳкамлаш тўғрисида гражданларга хос ҳақиқий ғамхўрлик, амалий ғамхўрлик қилмоқдалар.

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларининг сўзлари, олис ва бенизоҳ қийин уруш йўлларини бирга босиб ўтган жанговар ўртоқларнинг қутловлари бениҳоя завқ бахш этади.

Менинг ҳаётимдаги ана шу катта воқеа хусусида гоят самимий фикрлар билдирган қардош социалистик давлатларнинг, Коммунистик ва ишчи партияларнинг, озодликка чиққан мамлакатларнинг раҳбарларига жуда сидқидилдан ташаккур айтаман.

Чет эллардаги сиёсий ва жамоат арбоблари, ташкилотлар ва гражданлар менинг халқаро мўхтиж соғломлаштиришга ва кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссамга юксак баҳо берганликлари учун улардан астойдил миннатдорман. Бу баҳони мен батамом партиямиз билан Совет давлатимизнинг доимо тинчлик ва социализм манфаатларини ҳимоя қилишга бўйсундирилган ва бундан буён ҳам бўйсундириладиган одилона, ҳалол сиёсатига берилган баҳо деб биламан.

Партиянинг кўп қиррали фаолиятя шу қадар актив маъқулланганлигини, менга ишда янги муваффақиятлар тилаб билдирилган истакларни юксак масъулият туйғуси билан келажак учун берилган ўзига хос наказ деб қабул қиламан. Бундан буён ҳам бутун кучимни улуғ коммунистик идеалларнинг бундан буёнги тантанасига, бутун дунёда тинчлик ишига сарфлай бераман, деб яна бир бор таъкидлашни истайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

Байроқлар топширилди

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли кабель заводи ва Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари 1977 йил халқ хўжалиги планини муваффақиятли адо этиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга бағишлаб коллектив йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев коллективни юксак мукофот билан қизғин табриклаб, беш йилликнинг учинчи йилида КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубида олдинга қўйилган вазифаларни бажаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилади. Йиғилишда сўзлаган сабелчилар меҳнатларини юқори баҳолаганлиги учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдиришди, йиллик ва беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун меҳнат беллашувини янада кенгайтиришга қатъий аҳд қилганликларини изҳор қилишди.

Чилонзор район партия комитетининг мажлислар залида Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг йиғилиши бўлиб ўтди. Корхона коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини коллективга топширайтиб, қурувчи ва монтажчиларни юксак мукофот билан қизғин табриклади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини «Главташкентстро йўл»нинг ихтисослашган «Ташнижстрой» трести коллективига ҳам топширилди.

Шу куни «Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трести коллективининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Бу трест коллективи ҳам социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, 1977 йил планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини топширишда иштирок этишди.

Шу куни «Главташкентстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трести коллективининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Бу трест коллективи ҳам социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, 1977 йил планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини топширайтиб, қурувчи ва монтажчиларни юксак мукофот билан қизғин табриклади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини «Главташкентстро йўл»нинг ихтисослашган «Ташнижстрой» трести коллективига ҳам топширилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржоновнинг Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XXI съездида қилган доклади эълон қилинган.

● Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларга қарши курашда шаҳар меҳнаткашлари кўрсатган мардлик, ҳўжалик ва маданий қурилишда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми Калинин областидаги Ржев шаҳрини I даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади.

● 1978 йил 3 март куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги алоқа йўлдоши — «Молния—1» учирилди. «Молния—1» алоқа йўлдоши олис телефон-телеграф радио алоқаси системаси ишлатилишини таъминлаш, шунингдек, СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғининг чекка Шимол, Сибирь Узок Шарк ва Ўрта Осиё районларида жойлашган пунктларига юбориш учун мўлжалланган.

Олинган маълумотларга қарағанда йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиуми Тошкент метрополитени биринчи навбатини қуришда эришган муваффақиятлари учун қурилишнинг айниқса ўрнак кўрсатган қатнашчиларини 1978 йилнинг 3 мартида чиқарган Фармонига биноан СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотлади.

«Ташметрострой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи И. С. Лисий «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси П. В. Семёнов ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев Ленин ордени билан мукофотландилар. «Средазтрансстрой» трестининг 295-қурилиш-монтаж поезди йўл монтери К. И. Балашова, «Ташметрострой» трестининг 2-тоннель отряди проходкачилар бригадасининг бошлиғи В. Г. Булих, «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармаси электромонтерларининг бригадири П. Б. Буравский Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ҳамда 2-Қўйлиқ темир-бетон буюмлар заводи комплекс бригадасининг бошлиғи М. Зиёвидинов Октябрь Революцияси ордени билан мукофотландилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 31 киши, Халқлар Дўстлиги ордени билан 24 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан 38 киши, III даража Меҳнат шуҳрати ордени билан 39 киши, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 55 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан 54 киши мукофотланди.

Фармон «СССР Олий Советининг ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

МЕТРО: ЛОЙИҲАДАГИ ТЕЗЛИККА ЭРИШИЛДИ

2 март куни Тошкент метрополитенининг машинистлари биринчи марта лойиҳадаги тезликни қўйишди. Бу тезлик энди айрим участкаларда соатига 75 километрга етади. Шундай қилиб, трассани ўзлаштириш ва уни «чиниқтириш даври яхши тугади. Бундан буён йўловчилар Собир Раҳимов номли станциядан «Октябрь революцияси» станциясига қадар бутун трассани 17-18 минутда босиб ўта оладилар.

Янги график бўйича қатнов кейинчалик ҳаракат состави резервини яратишга, поездлар ўртасидаги интервални қисқартиришга имкон беради. (ЎзТАГ).

Шонли сана шарафига

Пойтахт области ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакилларининг 3 март куни бўлиб ўтган йиғилиши Болгариянинг усмонийлар зулмидан озод этилганлигининг юз йиллигига бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари болгар халқининг ўз мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамона курашида иштирок этган рус солдатларининг жасорати тўғрисида гапириб, шуни маънунят билан таъкидладиларки, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва ишончи ҳозирги даврда сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди. ҳаётбахш совет — болгар дўстлигида янада оивожлантирилди. Нотиқлар болгар дўстларга социалистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилиш В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ўтказилди. Бу ерда Софиядан юборилган ва Болгария Халқ Республикаси экономикаси ҳамда маданиятининг ривожи тўғрисида ҳикоя қилувчи виставка намойиш қилинмоқда. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ТУРНИР
ФУТБОЛ VIII ТОШКЕНТ-78

Бугун футбол бўйича VIII Халқаро ўсмирлар турнирининг қатнашчилари ҳал қилувчи учрашувларни ўтказишади.

Биринчи кичик группада финалда қатнашувчи команда аниқланди.

Группа ғолиби аниқланади

СССРнинг биринчи ўсмирлар терма командаси тўрт учрашувда саккиз очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Бу команда ўйинчилари рақиблар дарвозасини 19 марта анча нишонга олиб, ўз дарвозаларидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юборишмади.

Биринчи команда эришган ютуқларни жиддий тайёргарлик маҳсули деса бўлади. Чунки мамлакатимизнинг бу командаси ҳозир УЕФА биринчилигининг саралаш ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Бу группада иккинчи ўринга тўрт очкога эга бўлган Эрон, иккитадан очкога эга бўлган Украина ва Венгрия командалари даъвогарлик қилишяпти. Ленин эронлик ўсмирларнинг имкониятлари нўпрок. Улар венгриялик тенгдошлари билан бўладиган учрашувда дуранг га эришсалар бўлгани.

Иккинчи кичик группада эса аҳвол бутунлай ўзгача. СССРнинг иккинчи ўсмирлар терма командаси 5 очко тўплаб, биринчи ўринда боряпти. Республикамиз вакилларини эса улардан бир очко кам тўплаган. Бугун бу икки команда ўртасида бўладиган учрашувда группа ғолиби аниқланади. Польшалик футболчилар тўрт ўйиндан тўрт очко тўплаб, бошқа учрашувларнинг натижаларини кутишяпти. Хуллас, бугунги учрашувларда қайси команда қайси ўрин учун курашиши кераклиги равшанлашади.

Учинчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди. СССР — 1— Украина — 4:0, Болгария — Венгрия — 1:2, СССР-2 — Чехословакия — 4:0, ГДР — Польша — 1:1.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат аҳли, хоҳ ветеран, хоҳ ёш бўлсин, зўр ҳурмат ва иззатга сазоворлар. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили мобайнидагина беш мингдан зиёд йигит ва қиз Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди.

Съезднинг мўътабар минбаридан туриб, барча мукофотланганларни чин кўнгилдан табриклашга, олижаноб ишларида уларга янгиданянги ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Биз эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан бирга, қўлга киритилган марраларни олга томон қилинадиган бундан буёнги ҳаракатнинг бир босқичи деб биламиз. Бизнинг сафларимизда кибр-ҳаво ва хотиржамликдан асар ҳам бўлмаслиги зарур.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қонда ва хулосалар бизнинг ҳаммамиздан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини ҳар томонлама оширишни талаб қилади. «Юбилей мусобақасининг меҳнат жўшқинлиги ва маромини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш зарур. — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлайлик. Кунимизнинг шиори ана шундай!».

Бу йилги ишнинг якунлари ҳам булутсиз юксак натижалар билан таққосланади. Шу сабабли биз дадил олга силжишимиз, бирор қадам ҳам орқага босмай фақат олдинга интилиб, бир чўққидан иккинчи чўққига кўтарилаверишимиз, тобора янги-янги юксак марраларни эгаллашимиз, барча резервларни ишлаб чиқаришга ҳизмат қилдиришимиз. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун янада аҳиллик ва қатъият билан ишлашимиз лозим.

Саноат, транспорт ва алоқа ходимлари, қурувчилар, пахтакорлар, маккажўхоригорлар, шоликорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар ва боғбонлар беш йилликнинг учинчи йили учун ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Бизнинг ҳамма мажбуриятларимиз матбуотда эълон қилинган, сизлар уларни яхши биласизлар.

Шу мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан капитал қурилишга боғлиқ. Бу йил биз кўпгина йирик объектларни ишга туширишимиз, улар маҳсулот бериши учун муддатидан илгари ишга туширишимиз керак.

Сизлар билан биз Қарши ва Жиззах даштларидаги, Сурхон—Шеробод водийсидаги ва Қорақалпоғистон АССРдаги қўриқ ерларга ҳужумни давом эттирамиз. Жами 100 минг гектардан зиёд янги ер ўзлаштирилиши керак. Ингичка толали пахта етиштириладиган янги йирик районлар, Қорақалпоғистонда эса шоликорлик районлари жадал суръатлар билан барпо этилаверади.

Кўриб турибсизларки, азиз дўстлар, сиз билан бизнинг ишимиз жуда кўп. Комсомоллар, барча йигит-қизлар ана шу қийин, аммо олижаноб вазифаларни бажаришга ғайрат-шижоат билан, ёшлар қайноқ қалбининг бутун шиддати билан киришишларига Марказий Комитет шубҳа қилмайди.

Съездга делегат бўлиб келган сизлар шахсий ибратингиз билан ёшларнинг ана шу меҳнат жўшқинлигига бош бўласизлар, биз бунга аминмиз.

Халқ беш йиллик вазифаларини тезроқ бажарши учун: «Сафимизда битта ҳам қолоқ бўлмайдн» деган шиорни ўртага ташлади, партия эса бу шиорни қўллаб-қувватлади. Келинглар, замирида битмас-туганмас резервлар яширинib ётган ана шу ватанпарварлик даъватининг магзини чақиб кўрайлик.

Ўзларингиз бир ўйлаб кўринг. Илғорларимиз билан новаторларимиз ҳамманинг кўз ўнгида. Улар эътибор ва иззат-икром билан қуршаб олинган. Шундай бўлиши ҳам тўғри. Аммо уларнинг ёнларида «ўрта ҳоллар» ва ҳатто қолоқлар қанчадан-қанча топилади. Ана шулар кўпинча диққат-эътиборимиздан четда туради сояда қолиб кетади .Вашарти ҳар бир киши ўз иш жойида новаторларимиз ишлаганидек ғайрат-шижоат билан ҳалол меҳнат қилса эди, мамлакат, халқимиз қанчадан-қанча қўшимча металл, кўмир, машина, галла, пахта, чорвачилик маҳсулотлари, халқ учун сифатли моллар олган бўлар эди.

Ҳурматли делегат ўртоқлар! Аввало сизларнинг ёнингизда, ҳар бир комсомол активининг ёнида «ўрта ҳоллар» бўлмаса, қолоқлар бўлмаса эҳтимол тўғри, жуда яхши бўлар эди.

Йигит ва қизларни меҳнатга, қувонч ва ҳузур бахш этадиган серунум меҳнатга ҳурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш — партиямизнинг ҳамиша энг муҳим вазифаси, Ленин комсомолининг асосий юмушларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг давримизда йигит ва қизларнинг маънавий дунёси анча кенгайди. Ҳозирги замон ёшларида ўз ор-номуси, туйғуси ўз билимлари, ғайрат ва шижоатини тўлатўкис намоён қилиш, янги турмуш актив бинокорлари сафида ўз ўрнини қатъият ва ишонч билан эгаллаш иштиёқи ривожланганлиги бизни қувонтиради.

Комсомол Марказий Комитети, барча комсомол ташкилотлари ёшларга таъсир ўтказишнинг турли воситаларидан кенг фойдаланишлари, йигит ва қизларда коммунистик онгни, актив ҳаётий позицияни сабот билан шакллантиришлари лозим. Шу мақсад йўлида совет турмуш тарзини яққол ва ишонарли тарзда пропаганда қилиш, Ленин партияси билан совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини тўла-тўкис намоён этиш, йигит ва қизнинг маънавий ва ахлоқий қиёфаси коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига муносиб бўлишига интилиш керак.

Партия ёшларга оталарча меҳрибонлик, ишонч ва мададкорлик билан қараётганлиги принципиаллик ва талабчанлик билан, кенг ҳуқуқларнинг бериб қўйилиши эса, ҳар бир йигит ва қизнинг жамият олдидаги ўз бурчи ва ўз вазифаларини огишмай бажариши тўғрисидаги талаб билан узвий равишда қўшиб олиб борилиши зарур.

Тарбиявий жараённи шундай йўлга қўйиш керакки, ёш авлодга гоявий эътиқод, ўз мамлакатининг хўжайини туйғуси, унинг келажаги учун масъулият, меҳнатга коммунистик муносабат руҳи сингдириладиган бўлсин.

Бу ишда ўз ишининг юқори малакали ёш усталарини тайёрлашнинг ҳақиқий мактаби, юксак гражданлик бурчи, ватанпарварлик, ижтимоий ва меҳнат активлиги туйғусини сезиш сингари ажойиб фазилатларни вояга етказиш мактаби бўлган мураббийлик ҳаракатининг роли муҳимдир.

Ҳозир республика мактабларида, билим юртларида, техникумларида ва олий ўқув юртларида тўрт миллиондан зиёд киши таълим олмоқда. Булар — бизнинг келажагимиздир. Булар — эртанги юқори малакали ишчилар, халқ хўжалиги мутахассислари — инженерлар, агрономлар, зоотехниклар, экономистлар, врачлар, ўқитувчилар, ёзувчилар, олимлардир. Ҳозирги авлодларнинг ишини улар давом эттиришлари, Ватанимиз бойлигини кўпайтиришлари лозим.

Ана шу жуда катта армияни меҳнат ва жамоат фаолиятининг ҳамма соҳаларида юқори унумли меҳнат қилишга ғоят даражада тайёрлаш — ўқув юртларининг, партия ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир. Студентлар ва ўқувчиларга таъсир ўтказиш воситалари ва формаларининг шу дамгача орттирилган бутун бой хазинасини ҳар бир йигит, ҳар бир қиз атрофлича, чуқур ва мустаҳкам билим оладиган бўлишларига, янги, дунёда энг илғор жамият бинокорига хос энг яхши ҳислат ва фазилатларни ўзларига сингдирадиган бўлишларига қаратилиши керак.

Ўртоқлар! Коммунистик қурилишнинг тобора ўсиб бораётган вазифалари ва кенг кўламлари биздан ишнинг иқтисодий натижаларини чуқур анализ қилишни, унинг самарадорлиги ва сифатини оширишни талаб қилади.

Шу сабабли комсомол ташкилотлари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда активроқ қатнашишлари, меҳнат самарадорлигини оширишлари, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашлари, ёш рационализаторлар ва ихтирочиларнинг жонкуярлари бўлишлари лозим.

Ҳозир КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби барча меҳнаткашларнинг диққат-марказида турибди.

Бу муҳим сиёсий ҳужжатда партиянинг йўл-йўриқлари меҳнат коллективларининг, ҳар бир ходимнинг конкрет вазифалари ва тавсиялари тилида ифода этилган. Мактубдаги қуйидаги сўзлар нақадар отаким даъват бўлиб янграшига бир қулоқ солинг: «биз комсомолларга, мамлакатнинг барча ёшларига мурожаат қиламиз: Ленин комсомолининг 60 йиллигини янги муваффақиятлар билан нишонлангиз! Кекса авлодларнинг шонли анъаналарини муносиб равишда давом эттиринглар. Билимларни ва профессионал маҳоратни сабот билан эгалланглар, ишлаб чиқаришда, беш йилликнинг зарбдор қурилишларида ғайрат билан ишланглар!».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ёшларимиз ўзларининг ажойиб навқиронлик жўшқинлигини янги қурилишлар романтикасига, ҳувиллаб ётган даштларни замонавий ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик ва юксак маданият масканларини бўлган обод районларга айлантириш романтикасига бағишлашига аминдир.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи авваллигидек, катта пахта хирмони учун, мўл-кўл маккажўхори ҳосили учун курашнинг биринчи сафларида, олдинги маррасида бўлишларига, комплекс механизация учун жонкуярлик қилишларига, меҳнат унумдорлигини оширш ва бутун иш сифатини яхшилаш учун актив курашчилар бўлишларига бизда шак-шубҳа йўқ.

Партия ташкилоти моддий ишлаб чиқаришни планли равишда узлуксиз ривожлантириш билан бирга аҳолининг турмуш маданиятини муттасил оширишга катта эътибор бермоқда. Республикадаги қадимий шаҳарларнинг ҳусн-жамоли очилмоқда, янги, замонавий шаҳарлар қурилмоқда. Кейинги вақтларда ҳудуларни тутатиш ва шаҳар типидаги замонавий шинам посёлкалар барпо этиш соҳасида кўп иш қилинмоқда.

Сиз, ёшлар турмушни қайтадан қуришингиз, янги-янги шаҳарлар барпо қилишингиз, бахтиёр, кувончли ҳаётни бунёд этишингиз даркор.

Кўпгина корхоналарда, колхозларда, совхозларда муҳташам маданият саройлари, кинотеатрлар, стадионлар, спорт майдончалари ва комплекслари қурилди ва қурилмоқда. Кутубхоналар, клублар, қизил бурчаклар тармоғи кенгайтирилмоқда. Маданиятнинг ана шу улкан моддий базасидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Бу соҳада ҳам ёшлар ўз ижодий кучларини бемалол қулф уриб дириб яшнатишлари учун ҳамма имкониятлар муҳайё.

Партиямиз билан халқимиз ёшларимизнинг юксак даражада маълумотли, маънавий гўзал ва жисмоний бақувват бўлишларини хоҳлайдилар. Шу боисдан ҳам партия билан давлат физкультура ва спортни ривожлантиришга куч ва маблағни аямаяптилар. Республикамизнинг кўпгина спортчилари бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда шараф билан қатнашмоқдалар.

Биз бундан буён ҳам чемпионларни ва юқори классли спорт мастерларини тарбиялаб етиштиришимиз керак. Лекин бунинг ўзи камлик қилади. Спорт чиндан ҳам оммавий тус олиши лозим. Комсомол ташкилотлари физкультура ҳаракатини ва оммавий-мудофаа ишларини янада кенг авж олдиришлари зарур.

Яқинда совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Қуролли Кучларимиз қураш ва ғалабаларинг афсонавий йўлини босиб ўтиб, ўз байроқларини сўнмас шуҳратга чулғадилар. Армия, авиация ва флотнинг шахсий состави асосан ёшлардан иборат. Ватан уларга совет халқи тинч меҳнатининг содиқ посбони бўлиш вазифасини ишониб топширган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш, уларни меҳнатга ва мудофаага тайёрлаш республика комсомол ташкилотларининг шон-шараф иши ва муқаддас бурчидир.

Ёшларнинг авангарди бўлмиш республика комсомоли ёш авлоднинг ҳамма қатламларига ўз таъсирини ўтказиш, пионер ташкилотига раҳбарлик қилиш ишини доимо такомиллаштириш учун ҳамма чораларини кўриши керак.

Ёш ленинчилар — пионерлар сизларнинг ўринбосарларингиздир. Сизларга педагоглар билан ижодий ҳамдўст бўлиб, Улуғ Ватанимизнинг муносиб граждапларини, ҳақиқий ватанпарварларини тарбиялаб етиштириш ишониб топширилган.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун ВЛКСМ сафларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан доимо мустаҳкамлаш, бошланғич комсомол ташкилотларининг роли ва жанговарлигини ошириш, комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар, район комитетлари, бутун комсомол активининг иш услуби, форма ва методларини такомиллаштириш керак бўлади.

Бу ишда ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг «Ўзбекистон комсомол комитетларининг республика комсомол ташкилоти сафларини ўстириш ва сифат составини яхшилаш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарори катта ижобий роль ўйнаши шубҳасиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу муҳим қарорни бажаришда комсомол комитетларига ёрдам бериш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқмоқда, биз яқин кунларда шу тадбирларни кўриб чиқамиз.

Партия раҳбарлиги, бизнинг ёшлар тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигимиз — комсомолнинг куч-қувват манбаи, муваффақиятлари гаровидир. Ҳар доим бўлганидек партия ташкилотлари комсомол ташкилотлари фаолиятини кун сайин йўлга солиб турадилар, уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар, активлигини ривожлантирадилар, республика комсомолининг обрў-эътибори ўсишига ҳар томонлама кўмаклашадилар.

Партия ташкилотлари комсомолга раҳбарлик қилиш соҳасидаги бутун ишда В. И. Ленининг комсомол —партиянинг резерви, унинг сафларини тўлдиришнинг энг муҳим ва бевосита манбаи эканлиги тўғрисидаги асосий йўл-йўриқларига, КПСС XXV съездининг шу ҳақдаги принципиал кўрсатмаларига асосланиб келдилар ва асосланаверадилар.

Республика комсомолининг XX съездидан кейинги ҳисобот даврида 60 минг 800 комсомол партияга қабул қилинди. Кейинги йилларда комсомолларнинг партияга кириши жуда кучайганлиги бизни ғоят мамнун этмоқда. Ҳозир партияга янги қабул қилинаётганлар орасида уларнинг салмоғи 70 процентдан ошади. Юзлаб комсомол активлари партия, совет, касаба союз ва хўжалик ишига кўтарилди. Республикадаги ҳар уч партия ходимининг бири илгари комсомолда ишлаган.

СССР янги Конституциясида СССРнинг барча граждапларн каби йигит ва қизларга ҳам кенг сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита қатнашиш учун реал шарт-шароитлар бериб қўйилганлиги партия ишончининг, ёшлар тўғрисидаги гамхўрлигининг яққол ифодасидир. Бизнинг республикамизда 30 мингдан кўпроқ ёш граждан маҳаллий Советларнинг депутатлари қилиб сайланган. 170 йигит ва қиз СССР, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг депутатларидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Октябрь юбилейига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда комсомолнинг, барча ёшларнинг кундалик бунёдкорлик фаолиятидаги ролини юксак баҳолаб, бундай деди: «Комсомоллар, йигит ва қизлар ўз ота-боболарининг шонли анъаналарини давом эттириб, коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бормоқдалар, меҳнатда камол топмоқдалар, хўжаликни бошқаришни, жамият ва давлат ишларига раҳбарлик қилишни ўрганмоқдалар. Мамлакатнинг келажаги шуларнинг қўлида. Зотан биз булар — ишончли қўллар эканлигига аминмиз».

Октябрдан кейинги 60 йил мобайнида партия тарбиялаб вояга етказган совет кишиларининг энг яхши фазилатлари — Ленин гояларига астойдил садоқат, ота-шин ватанпарварлик ва интернационализм, юксак маънавий ҳислатлар шонли ишларимизга ҳам ҳосдир. Ленининг коммунизмни ўрганишга, коммунизм қуришни ўрганишга деган васияти ҳар бир комсомол аъзосининг, ҳар бир йигит ва қизнинг ҳаёт нормаси, мазмуни бўлиб қолиши керак.

Бу олижаноб вазифани ҳал этишда комсомол комитетлари, барча комсомол ташкилотлари катта роль ўйнайдилар. Уларнинг иши кўп жиҳатдан республика комсомоли Марказий Комитетининг раҳбарлик савиясига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комсомол Марказий Комитетининг ишини юксак баҳолайди. Ўртоқ Ғафуржонов бошчилигидаги бюро аъзолари, секретариат актив ишладилар, кўп ташаббус кўрсатдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети топшириқларини бажаришга зўр масъулият туйғуси билан қарадилар.

Комсомол Марказий Комитети хисоботининг съездда муҳокама қилиниши, ортгирилган тажрибанинг умумлаштирилиши, унинг фаолияти танқидий таҳлил этилиши, республика комсомол ташкилоти бутун ишининг савиясини янада баланд кўтаришга ёрдам беради.

Биз аминмизки, XXI съезд делегатлари Ўзбекистон комсомоли олдида турган катта вазифаларни чуқур ва батафсил муҳокама қиладилар, ҳамда унинг кўп қиррали фаолиятини янада такомиллаштиришнинг конкрет йўлларини белгилайдилар. Ленинчи партиямиз теварагига маҳкам жипслашган республика комсомоли КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун аввалгидек актив курашаверишига Марказий Комитетнинг ишончи комил.

Азиз дўстлар, съезд ишида сизларга кўпдан-кўп муваффақиятлар, битмас-туганмас умидворлик, сиҳат-саломатлик, меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

(Ш. Р. Рашидов нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

(Боши биринчи бетда).

Делегатлар ўз ишлари ва режалари ҳақида, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, СССРнинг янги Конституцияси шарафига меҳнат вахтасида эришган муваффақиятлари тўғрисида, Ленин комсомоли юбилейини муносиб кутиб олиш муддаоси тақозо этган янги марралар тўғрисида қонуний ифтихор туйғулари билан гапирмоқдалар.

Съезд делегатларн мажлисга тўпланишдан олдин В. И. Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишди.

...Эрталаб соат ўн. Республика комсомолининг XXI съезди очиқ деб эълон қилинади.

Ишлаб чиқариш новаторлари, социалистик мусобақа пешқадамлари, комсомол ташкилотларининг раҳбарлари президиумдан ўрин оладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Маҳмудов, Э. В. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, космонавт В. А. Жонибеков улар билан бирга президиумдан жой олдилар. Президиумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. А. Житенев ҳам бор.

Замонамизнинг атоқли даҳлат ва сиёсий арбоби, бутун жаҳонда тинчлик учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон комсомолининг байроғи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Эсдалик байроғи ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Эсдалик байроғи тантанали вазиятда залга олиб кирилади. Республика комсомол ташкилоти ана шу байроқлар билан мукофотланган эди. Шеробод районидаги Будённий номли совхознинг бўлим бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Қурбонов, «Андижанка» хоккей командасининг комсомол ташкилотчиси Лайло Аҳмедова, Самарқанд лифтсозлик заводининг фрезерчиси Раҳимжон Аҳмаджонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, запасдаги полковник Шодмон Умаров, Пахтакор районидаги Ульянов номли совхознинг комплекс механизациялашган комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холбуви Рустамова, Чимбой районидаги «Октябрь» совхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи Омонгул Илёсова, «Каршистрой» монтажчиси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шокир Сайфитдинов, Хоразм областидаги «Тошкент» колхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўғилжон Нуриллаева, Томди районидаги «Мингбулоқ» совхозининг чўпони Назира Шаҳарбоевалар байроқни кўтариб киришди.

Съезднинг секретариати, редакцион ва мандат комиссиялари бир овоздан сайланади.

Қуйидаги масалалар съезднинг кун тартибига киритилади:

1. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи.

2. Республика ЛКСМ Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Ўзбекистон ЛКСМнинг раҳбар органларини сайлаш.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

(Ш. Р. Рашидовнинг нутқи газетанинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад қилди. **(Доклад тонгги газеталарнинг бугунги сонида эълон қилинган.).**

Ревизия комиссиясининг раиси Ю. Г. Шаронов комиссия номидан доклад қилди.

Докладлар юзасидан музокараларда бошланди. Музокараларда Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. С Камолов, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози комсомол-ёшлар пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати А. А. Исаев, Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг биринчи секретари К. И. Дошумбоев, Самарқанд лифтсозлик заводининг фрезерчиси Р. Н. Аҳмаджонов, Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. Т. Болтабоев, Бухородаги 163-қурилиш трести комсомол-ёшлар комплекс бригадасининг бошлиғи Н. М. Ҳўжаев, Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари С. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳисоб маркази бўлган кибернетика институти лабораториясининг мудири, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги ёш олимлар ва мутахассислар кенгашининг раиси Н. С. Зиёдуллаев, Фарғона область комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Ҳ. Раҳимов, «Андижанка» хоккей командасининг комсомол ташкилотчиси Л. Б. Ахмерова, Сирдарё область комсомол комитетининг биринчи секретари У. Т Умаров, А. Навоий номли давлат академик катта тоатрининг балет солисти Ш. А. Турсунов, Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари У. И. Иминов, Конимех районидаги «Шофиркон» совхозининг бош чўпони Н. Шалабоев, Сурхондарё область комсомол комитетининг биринчи секретари Т. У. Таниқулова, Жиззах область комсомол комитетининг биринчи секретари З. К. Болтабоева қатнашдилар. Мандат комиссиясининг доклади тингланди. Шу комиссиянинг раиси А. П. Володарский доклад қилди.

Съездда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. А. Житенев нутқ сўзлади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тантанали суратда залга олиб кирилади. Республика комсомол ташкилоти ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги муваффақиятлари учун шу байроқ билан мукофотланган эди

Пионерлар, Туркистон ҳарбий округининг жангчилари, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари съезд делегатларини табрикладилар.

Съезд номига олинган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди. «Салют-6» — «Союз-27» космик илмий-тадқиқот комплексининг экипажи — Юрий Романенко билан Георгий Гречко съездга йўллаган табрикномани делегатлар самимий кутиб олишди.

Ўзбекистон комсомолининг съезди ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ОРБИТАСИДА

«СОЮЗ-28» КЕМАСИДА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ СТАРТИДАН РЕПОРТАЖ

Бойқўнғир космодромининг старт майдончасини рус ва чех тилларидаги «Ватан» топшириғини шараф билан бажарамиз! деган шиор безаб турибди. Одам бошқарадиган Совет кемасининг 34-старти космоса халқаро экипаж ишининг бошланиши бўлади. Космонавтикадаги ана шу янги босқични очишга икки мамлакат — Совет Иттифоқи ва Чехословакия вакиллари мушарраф бўлдилар.

Бундан бир ярим йил муқаддам социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг делегациялари Москвада тўпланишиб, Совет Иттифоқининг Совет кемалари ва станцияларида одам бошқарадиган учишларда Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия ва Чехословакия граждапларининг иштирок этиши тўғрисидаги таклифини мамнуният билан қабул қилган эдилар. Чехословакия, Польша ва ГДРдан космонавтликка номзодларнинг биринчи группаси Звездний шаҳарчасида тўла тайёргарлик курсини тугалладилар.

Биринчи халқаро экипаж учун мўлжалланган «Союз-28» кемаси учишга тайёр. «Салют-6» илмий станциясида космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко орзиқиб кутилган меҳмонлар ва ёрдамчилар билан учрашишга ҳозирлик кўришди.

Чехословакиялик тадқиқотчи космонавт Владимир Ремек космодром майдонига биринчи бор қадам қўйиши эмас. У космонавтлар тайёрлаш марказида ўзининг биринчи «самовий учиш курси»ни тамомлаб, январь ойи бошларида, Владимир Жонибеков билан Олег Макаров орбитал станцияда учишга ҳозирлик кўрган пайтда бу ерга биринчи бор келган эди. Бу космонавтлар орбитадан қайтиб тушгач, улар билан Москвада учрашиб, дарсхоналарда улар билан соатлаб суҳбатлашди, албатта.

— «Космонавт» меҳмонхонаси атрофидаги қор босган хиёбонда чехословакиялик учувчи сайр қилиб юрган пайтда мен ундан: старт арафасидаги ўн кунни космодромда қандай ўтказдингиз? — деб сўрадим. Экипаж командири Алексей Губарев ҳам у билан бирга эди.

— Звездний шаҳарчасида учиш арафасидаги қизғин имтиҳонларга нисбатан бу ўн кунни хордиқ чиқариш, деса бўлади, — деб жавоб берди В. Ремек. — Тўғри биз монтажсинов корпусига икки марта борибб, кийим-бош ва асбоб-ускуналарни сўнгги бор чамалаб кўрдик ва кемани кўздан кечирдик. Қолган вақтда врачлар билан бирга ишлаймиз, сайрга чиқамиз, тунги пайтларда мен ёлғиз ўзим кўчага чиқиб, совет фани ва техникасининг буюк ютуқлари туфайли инсон нақадар забардаст бўлиб қолганлиги тўғрисида ўйлашни яхши кўраман.

Космодромнинг турли цехларида ҳам ҳамманинг думоғи чоғ. Бу ердаги инженерлар орасида Ернинг биринчи сунъий йўлдошини, Гагариннинг тилларда достон бўлган «Восток» кемасини яратиш ва учиришда қатнашган ветеранлар ҳам бор.

— Биз космосга қилинадиган янги сафарга алоҳида илҳом билан ҳозирлик кўрдик, — деди «космик йигув» миришкорларидан бири И. Спирин. — Чунки Бойқўнғир халқаро космик порт бўлиб қолди. Биз ўзимизнинг старт майдончамиз атрофига Польша, ГДР ва Тинч космик орбиталарда Совет Иттифоқи билан кўпдан бери ҳамкорлик қилиб келаётган бошқа социалистик мамлакатларнинг давлат байроқларини қувонч билан осиб қўймоқдамиз.

Анъанага кўра стартдан икки кун аввал космодромда стартга тайёргарлик ишларига бошчилик қилувчи мутахассислар кенгаши бўлиб ўтди. Ҳозир бўлган кишилар давлат комиссияси раисининг бўлғуси учишни бажариш учун кема командири, СССРнинг космонавт учувчиси Алексей Губарев билан ЧССР граждани, тадқиқотчи космонавт капитан Владимир Ремекдан иборат составдаги экипаж тайинланганлиги тўғрисидаги ахборотини хурсандчилик билан кутиб олдилар. Губарев билан Ремекни ҳамма табриклайди, улар эса юксак ишонч учун миннатдорчилик билдирадилар, биринчи халқаро экипажнинг аъзоси деган номни шараф билан оқлашга ваъда берадилар.

Мана, ракета кўп қаватли хизмат фермалари ўртасидаги стартда турибди. Мутахассислар икки кечаю икки кундуз давомида бу ерда учиш олдидаги сўнгги операцияларни бажардилар. Бугун инженерлардан бирига стартдан кейин пўлат фермага «Интеркосмос» программасининг одам бошқарадиган биринчи стартидан хотира бўлсин деб навбатдаги юлдузча суратини чизиб қўйиш ишониб топширилади.

Стартгача саноқли соатлар қолди. Оқ скафандрлардаги космонавтлар автобусда майдончага етиб келишади.

Халқаро экипаж бошқарадиган «Союз-28» космик кемасини учиришнинг тантанали дамларида қатнашиш учун Чехословакия делегацияси старт майдончасига етиб келди. Делегацияга ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси И. Ленарт бошчилик қилмоқда. Старт пайтида космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги таниқли совет ва чехословак мутахассислари ҳам ҳозир бўлдилар.

Ракетадан чамаси бир километр наридаги кузатув пунктига келиб, кемани учириш арафасидаги сўнгги командаларни эшитдик. Ловуллаб турган шар ракетани юқорига туртиб юбориб, осмондаги қизғин қўёшга, сўнгра эса ёруғ юлдузга айлангач, биз командирнинг овозини эшитдик:

— Биринчи халқаро экипаж орбитага чиқди!

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Бойқўнғир космодроми.



«Ўзсельхозтехни к а»нинг тажриба-ремонт механика заводида кўплаб ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Ана шундайлардан бири токарь Анатолий Ротов дир. Мана 35 йилдирки, у ўзининг самарали меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келяпти. Бу ишлаб чиқариш илғори пешқадамгина эмас, жонкуяр мураббий ҳамдир. У шу кунга қадар ўнлаб шогирдлар тайёрлаб етиштирди. Ушбу фотолавҳада токарь А. Ротов яқинда гидропресс цехига ишга келган ёш ишчи Илья Кимга ўз касбини ўргатмоқда.

А. Жумаев фотоси.

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Ленин район партия комитетининг мажлислар залида бўлиб ўтган халқ назоратчиларининг актив йиғилиши навбатдаги вазифаларни ҳал этишга бағишланди. Актив йиғилишида Ленин район халқ контроли комитетининг раиси К. Жўраев «Район халқ контроли комитетининг 1977 йилги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорлари, ана шу Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда баён этилган қонда ва хулосалардан, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқиб, район халқ контроли комитетининг 1978 йилги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

* * *

Худди ана шу масала Ҳамза районида бўлиб ўтган актив йиғилишида ҳам муҳокама этилди. Актив йиғилиши қатнашчилари ҳузурида Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари Б. В. Ефремов доклад қилди.

ТОШКЕНТ 2 БЕТ. ОҚШОМИ
4 МАРТ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. ИСРОИЛОВА: Мен стенографист-машинисткалик ёки секретарь-машини с т к а лик касбини эгалламоқчи эдим. Шаҳримизда бу касбларни ўргатадиган билим юртлари борми? Бор бўлса, бу билим юртларига қабул қилиш шартлари қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизнинг Киров районидаги Хуршид кўчаси, 45-уйда 124-техника билим юрти жойлашган. Бу билим масканида стенографист-м а ш инистканлик ва секретарь-машинистк а л и к ихтисослигини эгаллаш мумкин. Шуни айтиш керакки, бу касб эгалари бу ерда кенг профилдаги билимга эга бўладилар. Билим юртига 17 ёшдаги ва ундан юқори ёшдаги, 10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати танлаган ихтисосликка қараб белгиланган. Яъни, стенографист-машинис т к а икки йил, секретарь-машинистка бир йил ўқийди. Стенография ва машинада ёзиш курсларига қизлар ташкилотлар ва корхоналарнинг йўлланмалари билан қабул қилинадилар.

* * *

А. ТУИЧИЕВА: Шаҳримизда кийим-кечакларни тез муддат ичида тозалаб берадиган пунктлар борми?

Жавоб: Ҳа, бундай пунктлар бор. «Химчистка» фабрикасининг Западная кўчасининг 1-уйидаги 1, Чилонзор массивининг Пионер кўчасидаги 2, Олий ўқув юртлари шаҳарчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйидаги 3, 4-тупик жой шаҳарчаси, Лисунов кўчасидаги 9-уйда жойлашган 4, Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш уйидаги 5-пунктларда аҳоли буюртмалари тезлик билан бажариб берилади.

* * *

Х. УСМОНОВ: Газета саҳифасида «Сервис» агентлиги аҳолига неча турда хизмат кўрсатажаги ҳақида маълумот берсангиз айни муддао бўлур эди.

Жавоб: Шаҳримиздаги «Сервис» агентлиги аҳолига турли-туман маиший хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда авиа билетларига олдиндан буюртмалар қабул қилиш, шунингдек, узоққа қатнайдиган автобусларга билетларни сотиш сингари юмушлар ҳам бажарилади. Бундан ташқари агентлик республикамиз областлари марказларидаги, шунингдек, мамлакатимиз кўпгина шаҳарларидаги меҳмонхоналардан жойларни банд қилиб қўяолади. Сиз ўзингизни қизиқтирган масалалар хусусида 66-03-53, 66-57-42, 66-31-22 рақамли телефонлари орқали батафсил маълумотлар олишингиз мумкин.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Жанубий» район электр тармоқларининг электриги А. Адушев кайф билан Чилонзор кўчасида кетаётиб, пиёдалар ўтиш жойи белгиланмаган ерда кўчани кесиб ўта бошлади. У транспорт ҳаракатига ҳам, светофор сигналига ҳам эътибор бермади. Натижада Д. Гойхман бошқариб келаётган ВАЗ— 2103 маркали 86— 06 номерли машина уни уриб йиқитди. Кўчанинг учинчи — охирги йўлкасидан машинани ҳайдаб кетаётган Д. Гойхман тўсатдан олдинда пайдо бўлиб қолган пиёдани кўрдию, уни босиб кетмаслик учун машинани тўхтатмоқчи бўлди. Лекин тасодифнинг олдини олиб бўлмади. Адушев машинанинг чап ён томонига урилди. Танази жароҳатланган, бош мияси қалқиган жабрланувчи Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг касалхонасига ётқизилди.

ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

Артелдан — бирлашмагача

1920 йилги рўйхатга кўра Тошкентда 1430 саноат корхонаси мавжуд бўлган. Бунга жуда кўп ҳунармандчилик «корхона»лари ҳам кирар эди. Фабрика-заводлар сони атиги 264 та бўлса, ҳунармандчилик «корхона»лари сони эса мингдан ошиқ эди.


Партия ва совет органлари куч-ғайрати билан саноат тез суръатлар билан ривожланди. Бунда Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1921 йилда ҳунармандчилик кооперацияси тўғрисидаги қарори муҳим роль ўйнади. Кооператив артелларга бирлашиш саноатни ривожлантиришга маълум даражада кўмаклашди.

1923 йилга келиб ҳунармандчилик кооперацияси 2500 аъзони бирлаштирган эди. Тошкент коммунистларининг умумий йиғилишларида ҳунармандларни артелларга жалб этиш масаласи бир неча марта муҳокама қилинди. Натижада артеллар йил сайин кўпайиб борди.

Масалан, 1926 йил 1 октябрга келиб, Тошкентда артеллар сони 93 тага етди. Шундан 42 таси эски шаҳарда жойлашган эди. Бутун республика бўйлаб ўша пайтда 341 артель борлигини ҳисобга олсак, Тошкентнинг саноат марказ сифатида ҳам кенгая борганига ишонч ҳосил қиламиз.

1927 йилдан Тошкент артеллари бирлаштирила бошланади. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эндиликда Тошкент саноати инсон кўрмаган даражада тараққий этди! Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари барпо этилди. Тошкент корхоналарида тайёрланаётган аъло сифатли маҳсулотлар жаҳон ярмарка ва виставкаларида юқори баҳоланмоқда. Ҳа, Тошкент саноати майда ҳунармандчилик артелларидан замонавий механизациялашган ва автоматлашган йирик бирлашмаларгача бўлган йўлни шахдам одимлар билан босиб ўтди.



МЕЪМОРЧИЛИК УСТАХОНАСИДА

ОЛМАОТАЛИКЛАР УЧУН

«ГипроНИИполиграф» лойиҳа институтининг Тошкент филиалида Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти ва полиграфия базасининг лойиҳаси яратилди. Лойиҳа авторлари Я. Нильсон ва конструктор В. Позняков Фанлар академиясининг ҳозирги мавжуд бинолари оралиғидаги майдонда бу ердаги архитектура композициясини ниҳоясига етказадиган улкан комплекс лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишган.

Ишлаб чиқариш мақсадида қуриладиган бинолар нинг бирида барча ёрдамчи хизматлар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, иш кабинетлари, нашриёт ва маъмурият нинг хоналари жойлашади. Медицина пункти, ошхона ва 100 кишилик савдо зали дастлабки икки қаватни эгаллайди. Учинчи қаватда босмахона, олтинчи қаватда 150 ўринли мажлислар зали, кутубхона, дам олиш хоналари бўлади. Сўнгги икки қават эса «Фан» нашриётининг аппаратига мўлжалланган.

Иншоот миллий услубда мармар, гранит, чиганоқ тошлар ва сирли кошинлар билан жилоланади.

Нашриёт бир йилда 20 миллион босма табоқда маҳсулот ишлаб чиқаради. Илмий-техника китоблари, брошюралар, журналлар, авторефератлар шулар жумласидандир.

СУРАТДА: Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти ва полиграфия базасининг лойиҳаси.

ЎЗ-ЎЗ ЎЗИНГНИ ДОНО БЎЛУР...

● Бутун саодатимиз— иродамиз тарбиясига боғлиқдир. Иродамизни ғўзал истеъмол қилсак, ҳаётимизда муваффақият ва саодатимизни таъмин этамиз, суистеъмол қилсак, фалокатга дучор бўламиз.

● Саъе-ҳаракат— маданиятнинг ва ҳузур-ҳаловатимизнинг манбаидир. Саъе —инсонларни донмо яхшиликка, юксалишга йўналтирувчи энг буюк тараққиёт омилидир.

● Жасорат— зарур бўлган бир фазилатдирки, ҳаётимизда муваффақият таъмин этади. Жасур бўлмаган қўрқоқ инсонлар тинч, истироҳатсиз қалбга эга эмасдирлар.

● Бир инсоннинг даставвалги фазилати бошқаларнинг ҳуқуқига, шараф ва номусига ҳурмат ва риоят қилишидадир. Ўзимизга ҳурмат, шараф ва номусимизга риоят қилинишини истасак, бошқаларга ҳам ҳурмат ва уларнинг шараф-номусларига риоят қилишимиз лозимдир.

● Ювош, мулойим киши ғазаб ўти аланга олганда ҳам чидаб, ўзини тутади, уни ғазаблантирган одамни жазолашга кучи етса ҳам, аччиғини ютади, унга жазо бермайди.

● Донишмандлар айтганлар:

Агар бир киши сенинг ёнингга келиб:

— Фалон киши сенинг ҳақингда ундай деди, бундай деди, ёмон сўзлар сўзлади, деб айтса, у чоғда сенга олти нарса лозимдир.

1— у кишини ростгўй деб билма, у фосиқдир.

2 — уни чақимчиликдан манъ қил, бу ярамас одат эканини англат.

3— сен уни душманим деб ҳисобла.

4— унинг сўзига ишониб биров ҳақида ёмон фикрда бўлма.

5— у чақимчининг сўзига асло қулоқ солма.

6 — унинг ёлғон-яшиқ сўзларига амал қилма. Гапнинг хулосаси шуки, чақимчини ўз ёнингга яқин келтирма, уни душманим деб бил, ёлғон сўзларига сира ҳам илтифот қилма.

Байт:

Чақимчига ёнингдан бермагил жой
Қилур бир лаҳзада юз фитна барпой.

● Ўзи билмаган, кўрмаган бир ишга билармонлик даъвоси билан киришган киши ниҳоят фалокат, ҳалокатга дучор бўлади.

Ҳикоят:— Бир нодон одамнинг қўшниси тўй қилиб кўп кишини тўйига таклиф қилди. Меҳмонлар орасида ҳалиги нодон киши ҳам бор эди. Тўйга созандалар, ҳофизлар, рақкос-раққосалар, аскиячилар ва найрангбозлар ҳам чақирилган эдилар. Ҳунар кўрсатиш навбати найрангбозларга келгач, бир найрангбоз бир баланд жойга чиқди-ю, ўзини ерга отиб типпа-тик туриб қолди, уни ҳалқ олқишлади. Буни кўрган ҳалиги нодон киши ўзўзига:

— Бу жуда қулай ҳунар экан. Мен ҳам шундай ҳунар кўрсатиб халққа ўзимни танитай, ҳамма мени олқишлайди, пул йиғиб беради, шу йўл билан ҳам обрўга, ҳам бойликка эга бўламан, —деб ўйлади. Шу хаёл билан югурганича ўша баланд ерга чиқди. Халқ «ҳай-ҳай» деганига қарамай, ўзини пастга отди, бўйини тагида қолиб ҳалок бўлди.

Байт:

Чиқармагил оғиздан бўлмас ишни,
Қилурман дема қўлдан келмас ишни.

Қисса: — Бир Қарға билан бир Мушук дўстлашиб қолдилар. Ҳар куни бир дарахт тагида ўтиришиб суҳбатлашар эдилар. Бир куни шундай суҳбатлашиб ўтирган эдилар, узоқдан бир Қоплоннинг булар томонига келаётганини кўрдилар. Қарға пир этиб учиб дарахтнинг энг юқори шохига қўнди. Мушук нима қилишни билмай саросима ҳолга тушиб Қарғага:

— Дўстим, менинг ҳаётим қўрқинч остида, энди умидим сенда, мени балодан қутқариш чорасини кўр, — деб ялина бошлади.

Ўша дарахтга яқин ерда чўпонлар итларини эргаштириб юрган эдилар. Қарға «қағ» этиб бориб бир итни урди-ю, кейин пастлаб уча бошлади. Итлар уни тутиб оламиз деган умид билан қарғанинг кетидан югуришдилар. Қарға эса итлардан сал баландроқда учиб бораверди. Шундай қилиб, Қарға қоплон турган дарахт тагига учиб борди. Мушук дарахтга тирмашиб зўрга, базўр унинг пастки шохига чиқиб олганди. Қоплон тутиб еёлмаслик учун унинг тушишини кутиб дарахт тагида турган эди. Итлар қоплонни кўриб унга ташландилар. Қоплон тум-тарақай бўлиб қочиб кетди. Шундай қилиб, Қарға ҳийла-тадбир билан ўз дўсти Мушукни ҳалокатдан қутқазиб қолди. Икки дўст яна бир-бирлари билан топишиб, суҳбатларини давом эттира бошладилар.

Ҳикоя:— Чин, самимий дўст мана шундай бўлади, бошга мусибат тушиб қолганда, самимий дўстлар ёрдамга ошиқадилар. Ёлғиз ўз шахсий манфаатларингинга кўзлаб дўст бўлиб кўринганлар ҳақиқий дўст эмасдирлар. Чин дўст ҳатто ўз жонини дўсти учун фидо этади.

Муҳаббат ҳақида

Ўз-ўзингни севиш ҳар муҳаббатнинг асли ва бошқа севишлардан ҳам асл мақсад нафснинг фойдаси ва лаззатидир. Бу сабабдан аввало эр билан хотин орасидаги бир-бирига муҳаббат пайдо бўлиб, ўса-ўса ишқ даражасига эришади. Кейин ота-онанинг ўз фарзандларини севиши зуҳур этиб, чексиз шафқат даражасига етишади. Ундан кейин болаларнинг ўз ота-оналарини севишлари пайдо бўлиб, ота-онага боғланиш мартабасига боради. Сўнгра қариндош-уруғлар муҳаббати туғилиб, ўсиб асосли бир муҳаббат мартабасига эришади. Ундан сўнг дўстлар муҳаббати пайдо бўлиб, дўстлик даражасига эришади. Сўнгра бошқа нарсалар муҳаббати пайдо бўлади.

Шундай қилиб, муҳаббат навъларининг энг қувватлиси одамларни севиш ва энг кучсизи бошқа нарсаларга қизиқишдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

● *Қадимги ривоятлардан*

ҒАЛАТИ ҚИШЛОҚ

Қадимий Кармананинг ғарби-шимолида Қоратоғ этагидаги қишлоқда бир туп гужум— чинор дарахти ўсиб туради. Одамлар бу ерни «Бобиш қишлоғи», «Бобиш булоғи» деб атайдилар. Бунинг қизиқ тарихи бор.

Илгари шу қишлоқ чеккасидаги ғариб кулбада бир тул аёл Бибиш деган қизи билан яшар экан. Кунлардан бир кун Бибиш кўза кўтариб булоқ бошига чиқади-ю қайтиб келмайди. Онанинг кутакута тоқати тоқ бўлади. Кечқурун подасини ҳайдаб қайтаётган чўпон йигитни кўриб, ундан илтижо қилиб сўрайди:

— Ўғлим, Бибишни кўрмадингми, сувга чиқиб кетганича қайтиб келмади.

— Сойликдаги булоқ бошида беш-олти ётлиқ қопга бир нимани солаётганини кўргандим, ўша томондан қиз боланинг йиғлаётган товушини ҳам эшитдим, яна қизингиз бўлмасин, — деди чўпон йигит таажжубланиб.

Бибишни бир йигит севар экан. У анча қидирибди, лекин қизни тополмабди. Оналари эса зор-зор йиғлайверибди, икки кўзи кўр бўлибди, охири қазо қилибди. Дарвозалар олиб кетишган деган овоза тарқатилган. Ошиқ йигит қизнинг онасини дафн этиб, қабри устига бир туп гужум дарахти ўтқазибди.

Йиллар шамол каби ўтибди, лекин одамлар Бибишни, унинг онасини унутишмабди, қишлоқни, булоқ ва гужумни «Бобиш» деб атайдиган бўлишибди.

С. УМАРОВ,
филология фанлари кандидати.

ШАНБА ОҚШОМИ

● *Кенг истеъмол буюмлари*

Олимпиада белгиси билан

1980 йил 19 июлда Ватанимиз пойтахти Москвада XXII Олимпиада ўйинларига старт берилади. Ана шу муносабат билан мамлакатимиздаги кўпгина корхоналари каби Тошкент спорт буюмлари фабрикаси ҳам ҳозирда «Олимпиада— 80» рамзи тушурилган совға буюмлари ишлаб чиқаришга киришди.

Фабрика аҳли январь ойида савдо тармоқларига 10 мингта шапкажакейка, 100 та футбол тўпи етказиб берди. Иккинчи ойда ҳам 300 та сумка, 300 та тўп, 10 мингта шапка тайёрлаб берилади.

Харидор дидига мос

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаётган кийим-кечаклар нозик дидли харидорларимизнинг талабини тўла қондирмоқда. Ҳозир корхонанинг 50 хилдан ортиқ маҳсулоти фахрли беш қиррали белги билан тайёрланяпти. Булар аёллар, қизлар, ясли, боғча ёшидаги ничкинтойлар учун жун, кримплен, ипакли ва ип-газламалардан тикилган кўйлакларидир.

Корхонанинг аҳил коллективи 1978 йилда 250 хилга яқин янги моделдаги ниҳосни ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

Янги плита

Ўзбекистон ССР Қурилиш саноати материаллари министрлигига қарашли «Орггехстройматериал» махсус конструкторлик-технологик бюросининг янги қурилиш материаллари бўлими мутахассислари саноат маҳсулотни чиқиндиларидан янги буюм тайёрлашни ўзлаштиришдилар. Бу пол учун ишлатиладиган плитадир.

Янги маҳсулот ўзининг мустаҳкамлилиги ва қулайлилиги билан ажралиб туради. Ҳажми 500x500x10 миллиметр. Полдаги «Ўзбекнефтгаз» комбинати бу маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Ҳозиргача 10 минг квадрат метр плита тайёрлаб берилди.



МИТТИ МИНИАТЮРАЛАР УСТАСИ



АРМАНИСТОН ССР. Эдуард Казарян Арманистон Давлат симфоник оркестрининг скрипкачиси. У митти миниатюралар билан қизиқади. Ўз умрининг 30 йилини у шу қизиқишга бағишлаган. Э. Казарян 1946 йилдан бери 300 га яқин ноёб асарлар яратган. У ўзи ясайдиган буюмлар учун соч толаси, дон ёки игнанинг бир бўлаги, металл микропластинкаси каби турли материаллардан фойдаланади.

Бу устанинг асарлари ўтган йили Американинг Лос-Анжелес шаҳридаги СССРнинг миллий виставкасида намойиш этилган.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Э. Казарян (чапда) ва композитор Артём Шахгальдян; игнанинг тешигида машҳур скрипкачи Паганининг тасвири ишланган.

Э. Габриельян фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

● *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси йўловчиларга янада қулайлик туғдириш мақсадида янги маркадаги транспортларни кўплаб олмоқда. Бошқарма ярим йил мобайнида 350 та «ГАЗ— 24» маркадаги машиналардан олиши керак эди. Шу кунгача бундай енгил такси машиналардан 75 таси келтирилди. 100 дан ортиқ ҳар хил маркадаги автобус ва микроавтобуслар келтирилиши планлаштирилган бўлиб, ҳозиргача бундай «ЛАЗ» «ПАЗ» ва «РАФ» маркадаги машиналардан 29 таси келтирилди. Йўловчиларга жуда ҳам қулай бўлган янги маршрут таксилардан тўрттаси 19-маршрутдаги йўловчилар ҳожатини чиқара бошлади.

МАЗАСИ ОҒИЗДА ҚОЛАДИ

Тошкент нон-булка комбинати ишчилари тайёрлаётган маҳсулотларга харидорлар эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Яқинда ана шу корхонанинг яна икки лимонли ва «Целинное» маҳсулотига Давлат Сифат белгиси берилди. Ҳозир комбинат ҳамшаҳарларимизга 150 га яқин номдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда. Ёил бошидан бери корхонада яна иккита — «Фантазия» ва «Олтин куз» тортлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЗАНГНИНГ КУШАНДАСИ...ЗАНГ

Металлни зангдан иҳота қилмоқ учун даставвал унинг юзини тозалаш керак. Шундан кейин эмаль қоплами югуртирилади ёки бўялади. Калугали мутахассислар яратган коррозияга бардош берувчи янги хил грунт (таг бўёқ) машқатли тайёргарлик ишларини талаб қилмайди, уни тўғридан-тўғри зангнинг юзига суриб юбораверш мумкин.

Занг билан реакцияга киришган грунт пишиқ, эримайдиган ва химиявий чидамли бирикмалар вужудга келтиради ва шу бирикмаларнинг ўзи металлни пишиқ-пухта муҳофаза қилувчи қоплам бўлади. Устидан югуртирилган эмаль ва сурилган бўёқ эса, машина ва агрегатларнинг хизмат муддатини анча узайтиради.

● *Дунё бўйлаб саёҳат*

Американи очиш тарихидан

Колумбдан анча илгари, X аср охирида норманд Эйрик Рауди (Малла) ҳамроҳлари билан Испанияга ғарбга томон жўнаб, номаълум ерга— Гренландиянинг жанубига бориб етди. Уларнинг орқасидан муҳожирлар йўлга тушди Нормандлар қаҳратон совуққа қарамай, у ерда қишлоқлар бунёд этишди. Кейинчалик улар Шимолий Американинг шимоли-шарқий қирғоқлари яқинига бориб, материкнинг ичкарисига киришга ҳам уринганлар. Нормандлар Гренландиянинг жанубида бир неча аср яшадилар.

Бундан анча кейин европаликлар Гренландия қирғоқларига яна боришди. Қишлоқлар ўрнида улар харобаларни ва гўристон устидаги кабр тошларини кўрдилар. Нима бўлганини ҳеч ким аниқ билмайди... Шимолий Американи биринчи бўлиб кашф этганларнинг тақдири ҳақидаги жумбоқ олимларни ҳануз ажаблантириб келади.

● *Ҳар тўғрида*

«Электрон бурун»

АҚШда ҳидни одамдан миллион чандон тез сезадиган «электрон бурун» сотувга чиқарилди. Асбоб кўпроқ озиқ-овқат омборларида фойдаланишга мўлжалланиб, сақланаётган маҳсулотларнинг ҳолатидан маълумот бериб туради.

Қанча овқат еймиз?

Ғарбий германиялик олимлар ақлида қизиқ ҳисобот эълон қилишди. Улар европалик бир кишининг бутун умри давомида истеъмол қиладиган овқати миқдорини аниқлашди. Бу ўрта ҳисобда 45 тонна турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат экан.


Хўш, европалик умр бўйи асосан ҳар хил овқатларнинг қанчасини ейди? У ўрта ҳисобдаги 70 йиллик умри давомида 4.600 килограмм сабзавот, 7.150 килограмм картошка, 21.000 дона тухум, 2.640 килограмм қанд, таҳминан 5000 пачка сариёғ, 4.420 килограмм нон еб, 10.000 литр сут ичаркан.

Олимлар тавсияси

Искандария университети ботаника лабораториясининг ходимлари олмани еганда, шошилмай, аста-секин чайнашни тавсия этишмоқда; у қанча секин чайналса, шунча фойдали экан. Агар бир олмани ейишга, ўрта ҳисобда 15 минут вақт сарфланса, унинг пўсти ва «гўшт»даги органик кислоталар ва пектин моддалари оғиз бўшлиғида яшайдиган микробларнинг 90 процентчасини ўлдираркан. Бордию, кишининг сабри чидаб, чайналган олмани бир соат чамаси оғизда олиб турса, оғиздаги барча микроблар ҳалок бўлар экан.

● *Дам олиш соатида*

КРОССВОРД



Айлана бўйича: 1. СССРнинг асосий пахта етиштирувчи республикаси. 2. РСФСРнинг Москва областидаги шаҳар. 3. Ўзбек классик адабиётининг намоёндаси Гулханийнинг йирик сатирик асари. 4. Ҳокимият халқ қўлида бўлган сиёсий тузум. 5. Қардош республикалардан бири. 6. Радиокарнайларнинг синоними. 7. Ўсимликнинг ўсиш тезлигини ўлчайдиган асбоблардан бири. 8. Ява оролидаги шаҳар.

Энига: 9. Ўн тўрт Туркистон комиссарларидан бири. 10. Юзанинг текис-нотекислигини аниқлайдиган асбоб. 11. Чет мамлакатдан бирон мамлакатнинг ички бозорига сотиш учун келтирилган товар. 12. Бирон жисмнинг ҳаракат доираси. 13. АҚШнинг шимолий-ғарбий қисмидаги штат. 14. СССРнинг терма командасида ва Киевнинг «Динамо» командасининг талантли футболчиси.

Бўйига: 15. Шахсга ёки коллективга нисбатан қасддан уйдирма тўқиш. 16. Пиртқич мушуксимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. 17. Кўп бойлик тўплагани учун «Пул ҳалтаси» деб лақаб олган XIV асрдаги Москва князи. 18. Эфиопияда яшовчи халқ.

Тузувчи: **Фаёз ҒАФУРОВ.**

25 ФЕВРАЛДАГИ «ОНА-ВАТАН» ЧАЙНКРОССВОРДИГА ЖАВОБЛАР

ЧАЙНВОРД. 1. Иваново. 2. ОМСК. 3. Комаров. 4. «Волга». 5. Акопян. 6. «Наво». 7. «Одина». 8. Абрамов. 9. «Венера». 10. «Арктика». 11. Арман. 12. Налчалим. 13. «Маяк». 14. Кедр. 15. Рига. 16. Ари.

КРОССВОРД: 1. Кама. 2. Омон. 3. Чанг. 4. «Имон». 5. Крим. 6. Заён. 7. Арра. 8. Март. 9. Орол. 10. Арпа.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Бели оғримаганнинг жой сўрашини кўринг!



Бола:— Ойи сизни ота-оналар мажлисига чақиришяпти.

— Кўриб турибсан-ку, вақтим йўқ.



Харидор: — Магазинни кеч очиб, эрта ёпасизку, бу ёзувнинг нима кераги бор?

— Тушликка шунга қараб чиқамиз, ота.



Хотин:— Ҳа-ҳа, печка нега тутун қайтараётганини ана энди билдим.

А. Ҳолиқов расмлари.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Палов ва шавлаларга сабзини жуда майда тўғраманг. Бунда витаминларнинг кўп қисми йўқолади. Агар сабзи жуда майда тўғралиб қолган бўлса, ош ва шавлага бир-икки дона бутун сабзи ҳам қўшинг.

● Агар қуюқ овқатлар (палов, шавла, қовурма) жуда шўр бўлиб кетса, бу таомларга пишиш олдидан доғланган ёғ қўшиб тузини ростлаш мумкин.

● Сопол буюмларни ишлатгандан кейин совунли иссиқ сувда ювинг, ўтин кули ёки майда қум билан ишқалаб тозаланг.

● Синкаланган кирни яхшилаб сиқинг, яхши сиқилмаган кир намлигича сақланганида, дазмолланганида, ҳатто қийилгандан кейин ҳам сарғайиб кетади.

● Картошкани қовуришдан олдин иссиқ сувга бир неча минут солиб, сўнг сувини обдон силқитиб ковурсангиз мазали бўлиб пишади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4 МАРТ, 1978 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 МАРТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.40 Болалар учун. «Муз устида «йўлбарслар». Телевизион бадиий фильм. 12.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.30 «Кама тўқувчилари». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 «Сиз яратган боғ». 16.15 «Горичилар, қаердасиз?». 16.45 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар. 3000 метр. Хельсинкидан олиб кўрсатилади (Финляндия).

17.15 «Китобсеварлар учун». Чет эл адабиёти. Бутуниттифоқ Давлат кутубхонаси китобхонларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси А. А. Леонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. С. Авдуевский, ёзувчи: Европа фантаст ёзувчилари комитетининг президенти Е. И. Парнов, Ленин номли Бутуниттифоқ Давлат кутубхонасининг директори, тарих фанлари кандидати Л. А. Гвишиани, Ленин номли Бутуниттифоқ Давлат кутубхонасининг илмий котиби В. А. Скороденко, композитор А. Н. Пахмутова, шоир Н. Н. Добронравов, журналист М. Ф. Ребров, рассомлар А. М. Аксамит, Л. М. Шаров, А. К. Соколовлар билан учрашув. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Бегона излар». Мультфильм. 18.50 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Мамлакатга кўплаб қоғоз маҳсулотлари етказиб берайлик». Кўрсатувда СССР целлюлоза-қоғоз саноати министри К. И. Галаншин иштирок этади. 19.30 «Театр спектакли». А. ва П. Тур. «Ягона гувоҳ». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Борис Мокроусов. Қўшиқлар». Фильм-концерт. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Вақт» информацион программаси. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳаммамиз бирга бўлсак». 18.30 «Баҳорнинг бир куни йилга татийди». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 18.45 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 Телевизион театр. А. Вампилов. «Қилмиш-қидирмиш». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Сурхондарё область Сариосиё район «Ленинград» колхози «Шаҳдо» бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида». «Олмалиқ кимё заводи». 22.15 «Ўғай она». Бадиий фильм. 23.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Виноюр» (Тошкент) — АСК (Куйбишев). «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Бу иш осон эмас». 19.15 «Нина Ургант». Адабий портрет (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Қўшиқларим сенга аталган». СССР халқ артисти М. Биешу куйлайди. Телевизион фильм-концерт. 21.15 «Қизиқарли математика». 21.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий ўқув юртларида механизм илмий асосда ташкил этиш».

7 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Горичилар, қаердасиз?». 10.25 «Экранда — кинокомедия». «Менинг муҳаббатим». Бадиий фильм. 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 Э. Войнич. «Сўна». 16.30 «Қувноқ стартлар». 17.15 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари».

17.45 «Вил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Совет қўшиқларидан концерт. 19.05 «Валентина Голубева». Телевизион очерк. 19.30 А. Хачатурян. «Спартак» балетига ёзилган куйлар. Москва Давлат симфоник оркестри ижро этади. 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. ССР Иттифоқи Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Вақт» информацион программаси. 23.20 «Рақс зали».

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.35 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Болалар учун фильм. «Онамга совға». 19.20 «Генетика ва пахтачилик». Биологиядан ўқув кўрсатуви. (рус.). 19.50 Реклама ва эълонлар. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Хотин-қизлар, Сизлар учун». Концерт. 20.50 «Шундай аёллар яшайди» (рус.). 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

8 МАРТ — ЧОРШАНБА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Оналарнимизни табриклаймиз». 10.15 «Бугун — халқаро хотин-қизлар куни». 10.45 «Поэзия». Совет шоирларининг шеърлари. 11.15 Т. Стрелкова ижросида рус халқ қўшиқлари. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.35 «Москвичка». Телевизион клуб. 12.35 «Экранда — киникомедия». «Кавказ асираси». Бадиий фильм. 13.50 «Жаҳон халқларининг ашқоди». 14.20 Мультфильмлар программаси: «Онам ҳам мени кечиради», «Дўстим Мартин», «Шундай, ўзим». 14.50 «Цирк! Цирк! Цирк!». Халқаро программа. 15.30 «Спортлото» тиражи. 15.40 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Сенга ўзи нималар бўляпти?». Бадиий фильм. 16.50 «Концерт-вальс».

17.15 «Ўн уч стул». Телевизион миниатюралар театри. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Голубой огонёк». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Театр учрашувлари». 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.35 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Бунча ҳам аълосиз, аяжон, бунча ҳам доносиз, аяжон!». 10.40 «Байрамингиз муборак бўлсин, азиз хотин-қизлар». Концерт. 11.20 «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм. 12.50 «Дугоналар». Ҳужжатли фильм премьераси. 13.10 Ўзбекистонда Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг ёпилиши. Свердлов номли концерт залидан олиб кўрсатилади.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Довюрак бўлиш осонми». Болалар учун мультфильм. 18.10 «Ҳар доим бўлсин онам!». 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Совет хотин-қизлари — коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари». 18.55 «Замин тақдири, менинг тақдирим». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Янгилар мушоираси». Адабий кўрсатув. 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.20 «Гулнам аро гулчеҳралар». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган адабий-бадиий программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Гулнам аро гулчеҳралар». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишланган музикали байрам программаси. (давоми). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кичик комедиялар». Телевизион фильм (рус.). 20.05 «Надя Павлова рақсга тушади». Концерт-очерк. 20.25 «Тугишгандан афзал». Бадиий фильм.

9 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Қувноқ стартлар». 10.40 «Екатерина Воронина». Бадиий фильм. 15.30 «Музда эҳтиёт бўлинг». Кинопрограмма. 15.45 «Рус тили». 16.15 «Композитор Л. Бетховен». 17.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.30 «Уз уйингни аъзозла». Кўрсатувни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, шоир Р. Гамзатов олиб боради. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Экономиканинг социал проблемалари». Саноат корхоналарида ижтимоий планлаштириш системаларини такомиллаштириш тўғрисида. 19.15 Халқаро конкурс лауреати Р. Хуҳцария чалади. (фортепьяно). 19.30 «Фан оламида». 20.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Балли, қизлар!». 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 12.30 «Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Тун оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 13.30 «Булутлар қўшиғи». Бадиий фильм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Прогресс» программаси (рус.). 19.00 «Чорвадор» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Операетта саҳифаларида». Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва Давлат Академик оперетта театрининг етакчи артистлари иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Янги қаҳрамонлар ҳақида хикоялар». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё область Гулистон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригадири Мирзамидин Исақулов ҳақида телевизион очерк. 21.00 «Холисхон Қодирова куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 20.00 «СССР Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». «Бухоро пахта тозалаш заводи». 22.15 «Келин». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Антоний ва Клеопатра». Телевизион фильм. 21.00 «Ўқитувчилар экрани». 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

10 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.25 «Аёллар». Бадиий фильм. 15.30 Ҳужжатли фильм. 15.40 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. «Эндшпиль». 16.10 «М. Ю. Лермонтов — рассом». Кўрсатувни И. Андроников олиб боради. 17.10 «Объектив».

17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт залы. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Иссиқ нон». Мультфильм. 18.55 «Ўртоқ Қўшиқ». 19.25 «Келишган йигит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Эркинлар. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 23.30 «Дўстларимиз овози». Эстрада программаси. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эволюциянинг асосий йўналишлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Минос Аветисян». Ҳужжатли фильм. 12.30 «Эволюциянинг асосий йўналишлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Келин». Бадиий фильм. 14.15 «Камалак» программаси.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.30 «Зангори экран» почтаси. 19.00 «Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Гулчеҳра ёр». Лирик концерт. 21.30 Москва «Вақт» информацион программаси. 22.00 «СССР Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». «Ришton керамика заводи». 22.15 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Пионер горилари янграйди». 19.30 «Инглиз тилида сўзлашишга ўрганинг». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 «Тошкент — Хасково. Дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда» (рус.). 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод (рус.).

11 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «АВВГДейка». 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.25 «Синов». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Б. Кустодиев. 12.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 13.30 «Спортлото» тиражи. 13.40 Болалар учун. «Миноранинг системаларини такомиллаштириш тўғрисида. 19.15 Халқаро конкурс лауреати Р. Хуҳцария чалади. (фортепьяно). 19.30 «Фан оламида». 20.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Балли, қизлар!». 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 12.30 «Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Тун оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 13.30 «Булутлар қўшиғи». Бадиий фильм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Прогресс» программаси (рус.). 19.00 «Чорвадор» программаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Операетта саҳифаларида». Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва Давлат Академик оперетта театрининг етакчи артистлари иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Янги қаҳрамонлар ҳақида хикоялар». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё область Гулистон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригадири Мирзамидин Исақулов ҳақида телевизион очерк. 21.00 «Холисхон Қодирова куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 20.00 «СССР Конституциясининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини бажарамиз». «Бухоро пахта тозалаш заводи». 22.15 «Келин». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Антоний ва Клеопатра». Телевизион фильм. 21.00 «Ўқитувчилар экрани». 21.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

12 МАРТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Музикали киоск». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Мушукнинг уйи». Мультфильм. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». «Хатларингизга асосида». Музикали программа. 14.45 «Театр спектакли». А. Салинский. «Барабанчи қиз». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли. 16.45 «Халқаро панорама».

17.15 Свердловск музикали комедия театри артистларининг концерти. 18.15 «Леопольд ва олтин балиқ». Мультфильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.00 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Спорт рақслари. Эркин программа. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Г. Свиридов. А. С. Пушкиннинг «Бўрон» повестига ёзилган музикали иллюстрациялар. 22.50 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. МСК — «Динамо». Харьковдан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Бепоён Ватаним менинг». «Братск». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.30 «Ёш киноҳаваскорлар клуби» (рус.). 11.30 «Шахмат мактаби». 12.00 «Қувноқ стартлар». Сурхондарё ва Фарғона областлари командалари учрашадилар. 13.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти. 14.35 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қўён магнитофон топиб олди». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Малишок» программаси. 18.45 «Лезгинка». Телевизион фильм-концерт. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Кино актёри билан учрашув». Николай Олялин (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Яшил карета». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.50 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.55 «Экран — болаларга». 17.10 «Галия Измайлова рақсга тушади». Фильм-концерт. 17.45 Талабларингизга биноан. «Волга-Волга». Кинокомедия. **Қирғиз тилида:** 19.15 «Мурас». И. Туманов. 20.20 «Ёшлар ижоди». 21.00 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Бадиий фильм. (рус.). 23.20 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

АЁЛЛАРГА АРМУҒОН...

Хотин-қизлар байрами шундай файзли бир кунки, унда ҳаво булутли бўлса ҳам бутун олам чарақлаб тургандай бўлади.

Табассумлар, энг яхши истаклар, баҳорнинг дастлабки гуллари — буларнинг ҳаммаси худди шу куни хотин-қизларимизга армуғон этилади.


8 март байрами кунида меҳрибон оналаримизга, дугоналарга ўзимизнинг чексиз муҳаббатимиз, ҳурматимиз ва миннатдорчилигимизни изҳор қилишимиз учун қандай бу юмни совға қилганимиз маъқул.

АГАРДА СИЗ ПОЙТАХТНИНГ

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА

БАЙРАМОЛДИ САВДО КУНЛАРИДА МАРҲАМАТ ҚИЛСАНГИЗ, АНА ШУ ЮМУШНИ ОСОНЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТГАН БЎЛАСИЗ.

Хотин-қизларга атир совға қилиш энг муносиб ҳурматдир.



Бош универсал магазиннинг парфюмерия секциялари жавонларига ҳиди муаттар бўлган, чиройли идишларга солинган, усти ранг-баранг қилиб безатилган атирлар териб қўйилган.

Атирларни сотиб олишда иккиланиб қоладиган кишиларга қуйидаги тавсияномаларни ҳавола қиламиз.

«КРАСНАЯ МОСКВА» атирининг ҳиди барқарор бўлиб, уни ҳар қандай ёшдаги аёлларга тақдим қилавериш мумкин. Бу атир мана бир неча ўн йиллардан буён шуҳрат қозониб келмоқда.

«ПИКОВАЯ ДАМА», «ПРЕМЬЕРА», «МЕЖДУНАРОДНИЙ ЖЕНСКИЙ ДЕНЬ», «ХОНИМ» — атирлари кишининг қалбини хушнуд қиладиган муаттар ислар туркумига киради. Улар ўзининг кучли, жозибали ҳиди билан ажралиб туради. Айниқса, бу атирларни катта ёшдаги аёлларга тақдим этган маъқул.

Оқшом чоғида манзур бўладиган атирлар:

Гулнинг муаттар исини ёқтирадиган кишилар учун «Красний цветок», «Наргис», «Лесной ландиш», «Лотос», «Белая акация», «Душистий табак» сингари атирларни таклиф қиламиз. Булар Ленинград парфюмерия фабрикасида тайёрланган. Гулнинг майин ҳиди аниқ турадиган бундай атирлар одатда оқ юзли аёлларга жуда ҳам ярашади.

«МИЛОЙ ЖЕНЩИНЕ» атирлари ҳаммабопдир. Айниқса, қизларга кўпроқ манзур бўлади.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «ХОНИМ», «ПАХТА БАЙРАМИ», «НАРГИЗ», «ЧИЛОНЗОР», «МОВИЙ ГУМБАЗ» АТИРЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ ЯХШИ ХУШБЎЙ ИСЛИ АТИРЛАР ҚАТОРИДАН АЛЛАҚАЧОН ЎРИН ОЛГАН.

Парфюмерия секцияларида комплектланган совға термалари — атирлар, лосьонлар, упалар ва бошқа пардоз буюмларини сотиб олишингиз мумкин.

Сунъий ва табиий шойидан тайёрланган сидирға, гул солинган дурралар, рўмоллар, шарфлар, тўқ қизил ва сариқ рангли тулдор шарфлар (размери 240 см. × 100 см.), соябонлар, совға буюмлари, чеканка, ёғоч паннолар ҳам арзигули совға бўлиши мумкин.

Трикотаж бўлимида қўйлаклар, кримпленли костюмлар, енги узун ва калта енгли жемперлар, кофталар, шимли ансамблар, камзуллар, ички кийимларнинг комплектлари, комбинацияларнинг, тунги кўйлаклар ҳам савдога қўйилган.

Тикувчилик бўлимида мамлакатимизда ва чет эл корхоналарида ясалиш ва кундалик турмуш учун мўлжаллаб тикилган шойи кўйлаклар қўйилган. Улар сидирға рангли ва гулли матолардан миллий ва европача фасонда тикилгандир. Бундан ташқари шимлар, кофталар блузкалар, костюмлар ҳам савдога қўйилган.

ГУМГА ҳуш келибсиз!

ГУМ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/III да **Афсоналар водийси**, 5/III да **Доктор Айболит** (12.00), **Флория Тоска** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/III да **Қиёмат қарз** (15.00), **Келинлар қўзголони** (18.00), 5/III да **Кўрмайин босдим тиконни** (12.00), **Фариблар** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/III да **Она қизим**, 5/III да **Йиллар ўтиб**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/III да **Ун саккиз ёшлигим**, 5/III да **Беш кунлик куёв** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастролли (12.00 15.00 19.30).**

КИНО

4 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат довонлари** (катта зал, **Есения** (кичик зал, кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00), «НУКУС» (17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (18, 20.00), «ВОСТОК» (18, 19.40, 21.10), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тиль ҳақида афсона — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.45).

Қуролланган ва жуда хавфли — НАВОИЙ номли (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тақдир — «ЧАЙКА» (17.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 21.00).

Юлия Вревская — «ИСКРА» (19.30).

5 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат довонлари** (катта зал), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16.00), «ВОСТОК» (10.20, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қуролланган ва жуда хавфли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тақдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Юлия Вревская — «ИСКРА» (19.30).

Тиль ҳақида афсона — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.45).

«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промгражданстрой» трестига қарашли 107-ихтисослаштирилган кўчма механизация колоннасининг йўқолган УЧ БУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фрунзе райпишчеторгининг йўқолган «3-ЭКСПЕДИТОР» ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ишчилар таъминоти бошқармасининг ТОШКЕНТ САВДО БАЗАСИГА товаршунослар, склад мудири, кадрлар бўлими инспектори, юк машиналарининг шофёрлари КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 Совет қўшиқларидан концерт. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Пани Дульская». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Г. Запольская. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 22.35 Чехословакия артистлари иштирокида эстрада программаси. 23.20 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар. Хельсинкидан олиб кўрсатилади (Финляндия). 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун телефильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Салом, музика!» (рус.). 18.35 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 18.55 «Сочма кон». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Шарафлаймиз сени, комсомол». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада устларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Оловли соҳил» Бадиий фильм. 23.30 Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири. Ўзбекистон — СССР II терма командалари. Репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

1-«Узспортторг» магазини коллективи «Узспортторг»нинг кадрлар бўйича директор ўринбосари **Камолиддин Азимович ЖАЛИЛОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан биллириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМ

4 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

Р. 02261.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1250.